



Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги



Ўзбекистон Республикаси
мактабгача таълим вазирлиги

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY VA ЎRTA
MAHSUS TAЪLIM VAZIRLIGI
BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА
КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ
ЁНДАШУВЛАР: ИСТИҚБОЛЛАР,
МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР**

(Республика илмий-амалий анжумани)



БУХОРО, 2020 йил, 3-ноябрь

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ
ЁНДАШУВЛАР : ИСТИҚБОЛЛАР, МУАММОЛАР
ВА ЕЧИМЛАР**

(Республика масофавий илмий-амалий анжумани)

БУХОРО, 2020 йил, 3-ноябрь

“Мақтабгача таълимда компетенциявий ёндашувлар: истиқболлар, муаммолар ва ечимлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани илмий моқола ва тезислар тўплами (2020-йил, 3-ноябрь).

Бухоро: 2020 йил.

Бош муҳаррир:

Педагогика фанлари номзоди, доцент Г.А.Камилова

Тақризчилар:

Авезов С.С. – ф.ф.н, доц.

Тўхсанов Қ.Р. – ф.ф.н, доц.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:

М.Б.Шарипова – Мақтабгача таълим кафедраси ўқитувчиси

Н.Н.Ҳамроева - Мақтабгача таълим кафедраси ўқитувчиси

Ушбу Республика масофавий илмий-амалий анжуманининг илмий мақола ва тезислари тўпламида Ўзбекистон Республикасининг “Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонуни, “Ўзбекистон Республикасида илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари”, “Илк қадам” Давлат ўқув дастури, шунингдек, мактабгача таълим тизимини ривожлантириш борасидаги ислохотларда белгиланган, соҳада амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиш ва бу борадаги тақлифларни ишлаб чиқиш бўйича илмий, амалий ва услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мазкур тўпламга киритилган мақолалар ва тезисларнинг мазмуни, статистик маълумотлар ҳамда билдирилган фикр ва мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

Бухоро - 2020 йил, 3-ноябрь

5. Социальная сеть работников образования –
doshkolonok.ru

СПОРТЧИЛАРДА ПСИХОЛОГИК МУҲОФАЗАНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

БухДУ Психология кафедраси доценти А.М.Назаров

Таянч сўзлар: *психологик муҳофаза, ирода, методология, механизм, индивидуал, компонент, адекват, малака, барқарорлик, адаптация, қобилият, психоаналитик, феномен, стратегия.*

Ушбу мақолада спортчиларнинг психологик ҳимоя механизмининг ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳамда фаолият самарадорлигини ошириш йўллари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Ключевые слова и понятия: *психологическая защита, сила воли, методология, механизм, индивид, компонент, адекватность, квалификация, устойчивость, обожание, способность, психоаналитический, феномен, стратегия*

В данной статье высказываются замечания по созданию методики обеспечения совершенствования личности через развитие физических и психических возможностей спортсменов.

Keywords: *psychological defense, willpower, methodology, mechanism, individual, component, adequacy, qualification, stability, adoration, ability, psychoanalytic, phenomenon, strategy.*

In this article, comments are made on the creation of a method for ensuring the improvement of the individual through the development of physical and mental capabilities of athletes.

Жахонда ёшлар муаммолари деярли барча мамлакатлар учун умумий масаладир. Ёшлар мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида шундай деди: “Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил

этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ⁴.

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, оммалаштириш ҳамда уни умуммиллий ҳаракатга айлантириш инсонлар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг баркамол вояга етишида муҳим омил ҳисобланади. Шу боис юртимизда жисмоний тарбия ҳамда спортга давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбек спортчиларининг халқаро майдонларда юксак натижаларга эришиб келаётганларининг муҳим омилларидан бири бу талаба-ёшлар ўртасида оммавий спортга алоҳида эътибор берилиши натижасидир. Шу нуқтаи назардан спортни оммалаштириш ижтимоий соҳанинг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Бугунги кунда спортчиларнинг жисмоний-руҳий имкониятлари ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунини, алоҳида таъкидлаш жоизки, спортчилар ўзларининг психологик имкониятлари, ютуқлари, камчилиликлари ҳақида етарли маълумотга эга бўлсалар, бу уларнинг мусобақага тайёргарлик кўриш ва мусобақа жараёнида учрайдиган ҳар қандай муваффақиятсизликларни бартараф этишга, ўз имкониятларидан кўпроқ фойдаланиш имконини беради. Бошқа мутахассислар қаторида психологлар ҳам спортчиларда мавжуд психологик муаммоларни ўрганиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан, спортчи шахсини шакллантириш масаласи психологиянинг, айниқса спорт психологиясининг долзарб муаммоларидан бири эканлигини кўрсатади. Жисмоний тарбия ва спорт давлатимизда таълимнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Спортчиларда психологик муҳофаза механизмларини ўрганиш, муҳофаза билан боғлиқ илмий асосларни ишлаб чиқиш ва шу орқали спортчиларда психологик муҳофаза шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Психология нуқтаи назардан спортчининг психологик ҳимояси - спорт фаолиятининг экстремал шароитларида

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи.

спортчининг онги ва хулқ-атворини руҳий жиҳатдан ўз-ўзини тартибга солиш механизмлари ва усуллари тизимидир. Психологик ҳимоянинг мақсади спортчиларда "Ментушунчаси"нинг яхлитлигини унинг мусобақалардаги муваффақиятсизлик, кўрқиш, хавотирланиш ёки ноаниқликнинг салбий психологик жароҳатлардан ҳимоя қилади. Индивидуал психологик ҳимоя спортчининг муваффақиятга эришишга тайёргарлик ҳолатини шакллантириш ва уни амалга оширишнинг субъектив механизми ҳисобланади. Спортчиларни индивидуал психологик ҳимоя қилиш хусусиятларини ўрганиш зарурияти замонавий талабларидан келиб чиқиб, мутахассислар малакали спортчиларни масъулиятли мусобақаларга индивидуаллаштирилган ҳолда тайёрлаш усулларига қаратди. Психологик ҳимоя бу ҳодисага хос бўлган психологик қонуниятларга эга бўлган индивидуал субъектив ҳодиса бўлиб ҳисобланади.

Спортчиларда психологик ҳимояни ўрганиш спортчининг барқарор руҳий ҳолатини таъминлаши, кўрқув ҳис-туйғуларини олдини олиши ёки бостириши учун қандай ҳис-туйғуларни бошдан кечиришини тушунтиришга ва руҳий барқарорлик ҳиссини бошдан кечиришга имкон беради. Психологик жиҳатдан спортчи шахсининг ривожланишида психологик ҳимоя қандай рол ўйнаши, уни қийинлаштириши ёки унинг кейинги такомиллашувига ҳисса қўшишини билиб олиш зарур. Муайян шароитларда психологик ҳимоя спортчига фойдали ёки салбий ҳодиса сифатида ҳаракат қилиши мумкинлигини тушуниш психиканинг ривожланишига тўсқинлик қилади, спортчиларни масъулиятли мусобақаларга психологик тайёрлашда янги муаммоларни келтириб чиқаради. Агар айрим ҳолларда психологик ҳимоя ижобий, ҳимоя, адаптив вазифани бажарса, бошқаларида эса спортчи шахсининг ривожланишига тўсқинлик қилса, буни нафақат психолог, балки мураббий, спорт мутахассиси ҳам билиши керак.

Мазкур муаммо психолог олимлар томонидан спортчиларни тайёрлаш соҳасидаги замонавий тадқиқот амалиётида спортчиларни психологик ҳимоя қилиш муаммоси тизимли ўрганилмаган. Психологик ҳимоя

спортчиларнинг фаоллиги натижасида юзага келадиган психологик ҳимоя ҳодисасидир. Психологик ҳимоя шахснинг онгини фикрлардан ҳимоя қилувчи ҳар қандай фаолиятнинг муҳим индивидуал психологик механизми кўп функцияли характерга эга бўлиб, спорт фаолияти мотивациясига киради ва инсоннинг "Мен-тушунчаси" яхлитлигига таҳдид солувчи рақобатнинг экстремал вазиятларида фаоллашади. Спортчиларда психологик ҳимоянинг индивидуал хусусиятларининг намоён бўлишига уларнинг когнитив соҳаси жинси, ёши, индивидуал психологик сифатлари ва ҳолатлари таъсир кўрсатади, улар рақобат стрессининг субъектив муҳим ва ҳиссий тажрибали омилларини сезганларида спортчилар тафаккурининг мазмунини белгилайди.

Спортчиларда психологик ҳимоянинг шаклланиш даражаси, барқарорлиги, мослашувчанлиги, ўзгарувчанлиги ва самарадорлиги уларнинг муваффақиятга эришиш ёки мусобақаларда муваффақиятсизликка учрамасликка интилишдаги спортчилик ва тактик фикрлаш қобилиятлари билан боғлиқдир. Ақлий ҳимоя турлари ва механизмларининг типик ва индивидуаллашган кўринишлари билан характерланадиган рақобат фаолиятининг индивидуал психологик ва спорт омиллари турли ихтисосликлар бўйича малакали спортчиларнинг индивидуал психологик ҳимоясини намоён этишнинг ўзига хос хусусиятларига сезиларли таъсир кўрсатади. Спортчиларнинг фикрлари бўйича психологик ҳимояни шакллантириш ва ривожлантириш уларнинг спортдаги карерасида жуда муҳимлиги ва зарурлигини таъкидлашган. Нафақат спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш пайтида, балки спортчилар шахсий ҳаётида ҳам психологик ҳимоянинг зарурлигини таъкидлашган. Спортчиларда психологик ҳимоянинг қиёсий таҳлили ҳимоянинг ҳар хил турларидан фойдаланишдаги гендер фарқларини очиқ берилган. Эркакларда турли хил психологик ҳимоя турлари ўртасидаги муносабатларнинг тузилиши, интенсивлиги ва катталиги аёлларга нисбатан кучлироқ ва юқори эканлиги тадқиқот жараёнида аниқланди.

Шундай қилиб, психологик ҳимоя реал вазиятнинг когнитив ва таъсир этувчи компонентларини изчил ўзгартириш йўлларининг комбинацияси сифатида белгиланиши мумкин. Бу ўзгаришларга руҳий жараёнларнинг кечишининг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб эришилади. Психологик ҳимоя механизмлари онтогенетик ривожланиш ва ўрганиш маҳсулидир. Улар ижтимоий-психологик мослашувнинг ўзига хос воситаси сифатида ривожланади ва шахснинг тажрибаси унга ўз тажрибасининг эҳтимолий салбий оқибатлари ҳақида сигнал берган ҳолларда турли ҳиссиётларни енгиш учун мўлжалланган.

Психологик муҳофаза механизмлари онтогенезда шаклланиш вақтига ва ҳақиқий фаолиятда онгнинг иштирокига қараб мураккаблик мезонига кўра фарқ қилади. Шу билан бирга ҳаётнинг қийинчиликларини енгиш учун зарур бўлган турли хил ҳимоя механизмларини ишлаб чиқишга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Штроо В.А. Исследование групповых защитных механизмов / В.А.Штроо // Психологический журнал. 2001. - № 1.
2. Юрзова Н.В. Исследование зависимости защитных механизмов от типа и характера акцентуаций / Н.В. Юрзова // Психолого-педагогические проблемы личностного развития. СПб.: Вестник БПА, вып. 38, 2001.

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИ ТИББИЁТ ДЕОНТОЛОГИЯСИ АСОСИДА ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ- ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

*Собирова Дилафруз “Психология” кафедраси доценти,
Халқаро Психология Фанлари Академияси мухбир аъзоси*
Таянч сўзлар: *Диентология, социал-психологик, ижтимоий
механизм, ижтимоий идентификация, компетентлик,
касбий этикет.*

А.Тоирова	Мактабгача ёшдаги болаларда ахлоқий муносабатларни тарбиялашда оила ҳамкорлиги	291
Г.Қаюмова, А.Самадова	Мактабгача таълим муассасаларида дидактик ўйинлар	294
Ж.Остонов	Копинг-ресурсы личности и адаптационный потенциал	297

4-ШУЪБА: МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ПЕДАГОГЛАР КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИ ВА БОЛАЛАРНИ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРЛАШ

Муаллиф (лар)	Мавзу	Бет
Г.Хасанова, Г.Давронова	Суть инновационных педагогических технологий в дошкольных образовательных организациях	301
А. Назаров	Спортчиларда психологик муҳофазанинг ижтимоий-психологик хусусиятлари	304
Д. Собирова	Тиббиёт ходимларини тиббиёт деонтологияси асосида психологик тайёргарлигини оширишнинг ижтимоий-психологик	309
З.Жалилов, М. Хожиқурбонова, Ш.Хасанова	Мактабгача таълимда иқтисодий маданиятни шакллантиришда тарбиячининг роли	313
Г.У.Умарова, Г.Зайнил лоева	Бўлгуси мактабгачатаълим тарбиячисини инновацион фаолиятга тайёрлаш муҳим педагогик муаммо сифатида	317